

ЖАСОРАТ

Навбаҳор Каромова,
Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри

Ёзувчи Кўчкор Норқобилнинг “Бўронларда қолган баҳорлар” номли хикоясини ўқиб, 75 йил илгари яшаган, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва афсуски, жангдан қайтмаган тогабобоҷонимиз СОЛИ РАЖАБОВнинг пок сиймоларини ёд олгим келди.

22-23 ёшлардаги уйланганига бир неча ой бўлмай туриб ҳарбий хизматга - уруш майдонига отланган Солининг юрагида ёр ва юрт ишқи баравар уради. Тинч элда эса тўйлар, байрамлар бўлиши, оиласи, келажакдаги фарзандлари хотиржам -дориломон яшаашлари учун эр йигитлик вазифасини, энг Олий бурч - Ватан олдидаги бурчини адо этиши керак! Катта жасорат, ўқтам шижаот билан жангга йўл олди.

Ёш келинчак, 18 баҳорни қарши олган ЧИННИХОН эса тақдирга тан бериб, ёрига ой бориб омон келишини, уни интиқлиқ билан кутишини айтиб йиғлаб хайрлашди.

Кун, ой, йил ўтса ҳам Солидан бирорта хат келмади. Уруш тугаб ғалаба қилдик. Ҳамон Солидан хат-хабар йўқ. Чиннихон эса Солидан умидини узмади. Хат ёзилгану, менга етиб келмаган, ана, қўшни аёлнинг эридан қораҳат келган эди. Уруш тугагандан 3 ой ўтиб эсон-омон кириб келди. Соли ҳам худди шундай кутилмаганда кириб келишини ЧИННИ ая умрининг охиригача кутди...

Солининг Чиннихонга ёзилмаган мактуби:

“Салом, қўнглим гули, ҳаётим умиди ЧИННИХОН! Саломатмисиз? Биламан, мендан ҳафасиз. Ранжишингиз ўринли. Сизга бир энлик мактуб ёза олмадим. Ўзим ҳақимда хабар беролмадим. Ота-онам ёшлигимда ўтиб кетишиди. Сиз билан тақдиримиз туташганидан кейин энг яқин инсоним, ишонганим, дилга малҳамим сиз эканлигингизни англадим. Бир неча ой яшаган бўлсак-да, кўп йиллар бирга ҳаёт кечирган кишилардек бир-биримизни жуда яхши тушундик. Афсус, уруш туфайли икки кўнгил айрилдик. Мен сиз билан ҳали кўп яхши сухбатлар қурмоқчи эдим. Биргалиқда кўп ўғил-қизларни вояга етказиб қўша қаримоқ ниятим бор эди. Фариштам, сизга хат ёза олмадим, бизни тўғри жанггоҳга олиб боришиди. Шиддатли жангда дайди ўқ келиб юрагим жароҳатлади. Ҳалок бўляпману, юрт тинчлиги, келажак авлоднинг фаровон ҳаёти учун жон берётганим учун руҳим енгиллашганини ҳис қилдим.

Мени кечиринг, мен учун ҳам яшаб, иккимиз учун ҳам бахтли бўлинг!”

Йиллар ўтса-да, ЧИННИХОН бошқа турмуш қурмади. Атрофидагилар, яқинлари турмушга чиқишини, фарзандлар кўришини, ҳаёт давом этаётганлигини таъкидлашди. Бироқ ЧИННИХОН укаси Содикжоннинг фарзандларини ўз дилбандидек авайлаб, асраб, панд-насиҳатлар бериб келини Рисолатхон билан биргалиқда катта қилди. Айниқса, жияни Юнусжонга МЕҲРИ ўзгача. Юнусжон ҳам ЧИННИ ая билан доимо бирга. Аядан ҳалқ эртаклари, маталларини эшитади. Саволларига жавоб олади.

Мактабни битириб, институтга ўқишга кирди. Талабаликнинг охирги йилларида ЧИННИ ая Юнусжонни уйлантириш тараддудига тушди. Келини билан биргалиқда Солижоннинг жияни (опаси Зубайданинг ўғли Исомиддин)нинг уйига совчиликка боришиди. Совчи аёлларни кўриб қариндошлар хурсанд бўлишди. Мақсад аниқ бўлгач, Исомиддин aka: “ЧИННИ янга, сизнинг ҳаёт йўлингиз ёшлар учун ибратли. Соли тоғамизга вафо ва садоқатли - аёлининг ибо-ҳаёси тимсолидир. Бу садоқат аслида СОЛИ тоғамизга ўхшаб урушда ҳалок бўлган йигитларнинг пок руҳларига нисбатан абадий ёдгорлик гўё. Янгажон, сизга шу покиза туйғулар ҳаққи ҳурмати қизимни жиян-ўғлингизга турмушга беришга розиман.

Аммамиз ЧИННИХОН ая жуда меҳнаткаш, ҳалол, саховатли аёл бўлганлар. Хотираларни бўлишганларида бизга фронт ортида заҳматли хизмат қилганларини камтарлик билан ҳикоя қиласар эдилар, - дейди Юнус ака.

Бугун Дилфузахон ва Юнусжоннинг Зифарзанди, З набираси бор.

ЧИННИХОН ая бутун дард-аламини меҳнатдан олди. Фронт ортида аскарлар учун даладаги ҳосилни қўлда ўриб олаётганда ёки жангчиларга куч-кувват беради деб ТОШБАҚАЛАР териб узатишганида ҳам бу МАШАҚҚАТЛИ меҳнатнинг азобларини сезмагандек тутарди ўзини. Табиатнинг энг сабрли, бардошли мавжудоти - тошбақанинг матонати Чиннихонга ҳам ўтиб қолгандек.

Фронтдан кейинги тинч йилларда 40 йилдан ортиқ давлатга ипак қурти боқиб, режадан зиёд пилла етишириди.

Маҳалламиздаги бирор йигин Аямнинг иштирокисиз ўтмас эди. Қадимги урф-одат, тарбиявий анъаналарни ёшларга ўргатиб, ҳалқ оғзаки ижоди намуналаридан айтиб берар эдилар. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарини ўкиб, Зайнабнинг тақдирига ачинар эдилар, - дейдилар келинлари Инбатхон.

Ипакдан майин КЎНГИЛ соҳибаси ЧИННИ аянинг меҳнатлари мустақиллик йилларида муносиб тақдиланди: “Шон-шараф” ордени билан мукофотландилар.

Ўтганлар эса она тупроқ бағрида жажжи болажонларни эркалаб, тинчликнинг қадрига етинг, бир-бирингизга оқибатли бўлинг, яхши инсонлар кўпайиб, дунёни меҳр-муҳаббатга, вафо-садоқатга тўлдиришини тилаб турганларидек. Илоҳим, дунёмиз тинч бўлсин, бошқа уруш, жанг-жадаллар бўлмасин! Зоро, уруш асоратлари, жароҳатлари ҳатто асрлар ўтса ҳам билинади. ТИНЧ ҳаёт, тинчлик - буюк неъмат. Тинчликни асраш - ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Бундан 75 йил илгари ҳалқ бошига кулфат тушган эди. Бугун ҳам бутун дунё курашаётган коронавирусни енгишда тарих ғилдирагини ортга суриб, кузатганимиздек ҳалқ яқдил, аҳил, имонли, саховатли, бағрикенг бўлсагина, шонли ғалабага эришишимиз муқаррарлиги аён бўлмоқда.

Зоро, шоир айтганидек:

Гўзал ҳаёт келмоғи учун,

Ҳалқ саботи кўрсатар кучин.

НАВБАҲОР КАРОМОВА ИСОМИДДИНОВНА. 19.04.2020